



## **ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI**

2023 yil « 28 » сентябрь

№ ПФ–166

### **Энергетика соҳасини ислоҳ қилишнинг навбатдаги босқичини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Сўнги йилларда иқтисодиётнинг барча тармоқларини жадал ривожлантириш, инвестициявий жозибадорликни ошириш, аҳолининг ишчанлик фаоллигини ошириш учун қулай шароит яратиш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини кенгайтириш ҳамда ижтимоий соҳа ва аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш юзасидан кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди.

Энергетика соҳасида соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш, соҳага хорижий ва хусусий инвестициялар келишини кўпайтириш, нарх шаклланишининг эркин ва шаффоф механизмларини жорий қилишга асосланган электр энергиясининг улгуржи ва чакана бозорларини ташкил этиш мақсадида:

#### **1. Қуйидагилар:**

**а) қуйидаги ёндашувларга асосланган 2023–2030 йилларга мўлжалланган электр энергиясининг улгуржи ва чакана бозори механизмларига босқичма-босқич ўтиш концепцияси 1-иловага мувофиқ:**

электр энергиясининг рақобатга асосланган улгуржи ва чакана бозорларини босқичма-босқич шакллантириш;

электр энергетика тармоғининг инвестициявий жозибадорлигини ошириш ҳамда соҳага хусусий секторни кенг жалб қилишга шарт-шароит яратиш;

электр энергияси таъминотининг узлуксизлиги, барқарорлигини таъминлаш ва истеъмолчиларга кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш;

аҳоли учун электр энергияси тарифларини белгилашда ижтимоий ҳимоя механизмларини жорий этиш ҳамда республиканинг барча ҳудудларида 2035 йилга қадар аҳолига электр энергияси ягона нарх сиёсати асосида сотиш шартини таъминлаш;

аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига электр энергияси таъминотчиларини эркин танлаш ҳуқуқини бериш;

электр энергиясининг улгуржи бозорида нархнинг талаб ва таклиф асосида эркин шаклланишини таъминлаш, кунлик савдосини йўлга қўйиш ҳамда барча харид қилиш ва сотиш операцияларини онлайн савдо платформаси орқали амалга ошириш;

қайта тикланувчи энергия манбаларининг салоҳиятидан кенг фойдаланиш эвазига “яшил энергия” ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш;

**б) 2023–2030 йилларга мўлжалланган электр энергиясининг улгуржи ва чакана бозори механизмларига босқичма-босқич ўтиш концепциясини 2023–2024 йилларда амалга ошириш бўйича “йўл харитаси” 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

Бунда:

электр энергиясининг рақобатга асосланган улгуржи ва чакана бозори механизмларини шакллантиришнинг бир босқичидан кейинги босқичига ўтиш 2023–2030 йилларга мўлжалланган электр энергиясининг улгуржи ва чакана бозори механизмларига босқичма-босқич ўтиш концепциясида белгиланган шартлар тўлиқ бажарилгандан сўнг амалга оширилади;

Вазирлар Маҳкамаси 2024 йилдан бошлаб ҳар йили 1 декабрга қадар келгуси йил учун 2023–2030 йилларга мўлжалланган электр энергиясининг улгуржи ва чакана бозори механизмларига босқичма-босқич ўтиш концепциясини амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар дастурини қабул қилсин.

## **2. Энергетика вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг:**

электр энергиясини марказлашган тартибда харид қилиш ва сотиш функциясини бажарувчи “Ўзэнергосотиш” акциядорлик жамиятини (кейинги ўринларда – “Ўзэнергосотиш” АЖ) ташкил этиш;

“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖни электр энергиясини ташиш ва транзит қилишга ихтисослашган ягона магистраль электр энергияси узатиш тизими оператори этиб белгилаш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

## **3. Белгилаб қўйилсинки:**

**2024 йил 1 июлдан бошлаб** электр энергиясини марказлашган тартибда харид қилиш ва сотиш функцияси “Ўзэнергосотиш” АЖ томонидан ва магистраль электр тармоқларини эксплуатация қилиш функцияси “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ томонидан тўлиқ амалга оширилади;

**2025 йил 1 январдан бошлаб** “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг электр энергияси экспорти ва импорти шартномалари, хусусий электр станциялари билан имзоланган электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги битимлари бўйича мажбуриятлари “Ўзэнергосотиш” АЖга тўлиқ ўтказилади.

**4. Қуйидагилар:**

**а) “Ўзэнергосотиш” АЖнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:**

дастлабки босқичда электр энергиясининг рақобатга асосланган улгуржи бозори механизмига ўтиш даврида электр энергияси ишлаб чиқарувчилардан электр энергиясини харид қилиш ҳамда ҳудудий электр тармоқлари корхоналарига ва йирик истеъмолчиларга белгиланган тарифларда сотиш;

кейинги босқичда электр энергиясини онлайн савдо платформасида талаб ва таклиф асосида шаклланадиган эркин нархда сотиш;

электр энергиясининг экспорт ва импорт операцияларини шартномалар асосида амалга ошириш;

**б) “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:**

ягона электр энергетика тизимининг реал вақт режимида ишончли ишлашини ва мувозанатини таъминлаш;

тасдиқланган тарифлар асосида магистраль электр тармоқлари орқали электр энергиясини узатиш хизматларини кўрсатиш;

магистраль электр тармоқларини тасдиқланган дастурлар асосида ривожлантириш;

қўшни мамлакатларнинг энергетика тизимлари билан барқарор боғланишни таъминлаш ва параллел ишлаш режимларини бошқариш.

**5. Энергетика вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг таклифлари асосида энергетика бозори регулятори – Ўзбекистон Республикаси Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) ташкил этилсин.**

**Қуйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:**

электр энергиясининг рақобатга асосланган улгуржи ва чакана бозорларини босқичма-босқич ташкил қилишни таъминлаш;

электр энергияси бозорида рақобатни қўллаб-қувватлаш, бозорнинг жозибадорлигини ҳамда талаб ва таклифнинг мутаносиблигини таъминлаш;

электр энергиясининг рақобатга асосланган улгуржи ва чакана бозорларининг барча иштирокчилари учун тенг ҳуқуқ ва шаффофликни таъминловчи қонун-қоидаларга риоя этилиши устидан давлат назоратини ўрнатиш;

электр энергиясининг рақобатга асосланган улгуржи ва чакана бозорлари иштирокчилари фаолиятини лицензиялаш ва уларнинг лицензия шартларига амал қилишини назорат қилиш;

2026 йилдан бошлаб электр энергиясини узатиш ва тақсимлаш учун ҳамда зарур бўлган бошқа ҳолларда тегишли тарифлар ва тўловлар миқдорларини тасдиқлаш;

магистраль ва тақсимловчи электр тармоқларида электр энергиясини узатишда ва тақсимлашда юзага келадиган технологик йўқотишларнинг рухсат этилган меъёрларини тасдиқлаш;

бозор конъюнктураси ва энергия ресурсларига бўлган эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда, ишлаб чиқариш ҳажмларини оширишни режалаштириш ҳамда инфратузилмани яратишга қаратилган узоқ муддатли инвестиция сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этиш;

энергетика соҳасидаги қурилиш ва таъмирлаш ишларида маҳаллий товар ва хизматлар харид қилинишини рағбатлантирувчи механизмларни ишлаб чиқиш.

Белгилаб қўйилсинки, Агентлик ўз фаолиятида Вазирлар Маҳкамасига бўйсунди ҳамда ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши мажбурий ҳисобланади.

**6.** Агентлик Энергетика вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Адлия вазирлиги билан биргаликда қуйидагиларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

**2024 йил 1 январга қадар** Ўзбекистон Республикаси Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлиги тўғрисидаги низомни;

**2024 йил 1 мартга қадар** электр энергиясининг рақобатга асосланган улгуржи ва чакана бозорлари қонун-қоидаларини ҳамда ушбу бозорлар иштирокчилари фаолиятини лицензиялаш тартибини назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар пакетини.

**7.** Энергетика вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, ҳамда “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ **2025 йил 1 январга қадар** “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг электр энергияси экспорти ва импорти шартномалари, хусусий электр станциялари билан имзоланган электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги битимлари “Ўзэнергосотиш” АЖга қайтадан расмийлаштирилишини таъминласин.

**8.** Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **2025 йил 1 январга қадар** хусусий электр станциялари инвесторлари билан имзоланган инвестиция шартномаларига ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги битимларга тегишли ўзгартиришлар киритсин.

Мазкур банднинг биринчи хатбошисидаги шартнома ва битимларда кўзда тутилган “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг тармоқ оператори сифатидаги функцияларини бажариш бўйича мажбуриятлар “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ зиммасида қолиши эътиборга олинсин.

**9.** Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Идоралараро тариф комиссияси:

Агентлик билан биргаликда **2024 йил 1 февралга** қадар халқаро молия институтларининг техник кўмагида халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда Электр энергияси тарифларини шакллантиришнинг янги услубиётини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин;

**2024 йил 1 майга қадар** “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг электр энергиясини магистраль электр тармоқлари орқали узатиш, “Ўзэнергосотиш” АЖ учун электр энергиясини сотиш ва харид қилиш тарифларини ҳамда электр энергияси учун келиб тушадиган маблағларни тақсимлашнинг янги тартибини тасдиқласин.

**10.** Белгилансинки:

**а)** “Ўзэнергосотиш” АЖ штат бирликлари, биринчи навбатда, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг электр энергияси савдоси билан боғлиқ бўлган тегишли штат бирликларини қисқартириш ҳисобига шакллантирилади;

**б)** “Ўзэнергосотиш” АЖ Тошкент шаҳри, Осиё кўчаси, 42-уй манзили бўйича жойлаштирилади;

**в)** “Ўзэнергосотиш” АЖнинг ягона акциядори Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳисобланади;

г) Агентликнинг чекланган штат бирлиги 30 тани ташкил этади, шу жумладан:

10 та штат бирлиги Атом энергетикасини ривожлантириш агентлиги ва унинг ҳузуридаги “Атом электр станцияси қурилиши дирекцияси” ДУКнинг штат бирликларини мос равишда қисқартириш ҳисобига;

20 та штат бирлиги эса **2023 йил 1 декабрга** қадар босқичма-босқич тегишли вазирлик ва идораларнинг Агентликка ўтказилаётган функцияларини бажариш вазифаси юклатилган штат бирликларини Агентликка ўтказиш ҳисобига шакллантирилади;

д) Агентлик фаолияти Давлат бюджети маблағлари, лицензиялаш, рұхсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш ҳамда қонунчиликка мувофиқ жарималарни қўллашдан тушадиган тўловлар, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

е) Агентликнинг 2023 йилдаги харажатлари Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан тасдиқланган харажатлар сметаси асосида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

#### **11. Вазирлар Маҳкамаси:**

##### **а) икки ой муддатда:**

“Ўзэнергосотиш” АЖ ва “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ устав капиталлари шакллантирилишини ҳамда уларнинг таъсис ҳужжатлари ва ташкилий тузилмалари тасдиқланишини;

“Ўзэнергосотиш” АЖнинг бошқарув органлари ташкил қилинишини;

“Ўзэнергосотиш” АЖда раҳбарлик лавозимларига зарур тажриба ва амалий кўникмаларга эга бўлган юқори малакали мутахассислар, шу жумладан хорижий мутахассислар жалб этилишини таъминласин;

Агентликнинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин;

**б) 2024 йил 1 апрелга қадар** “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг электр энергиясини харид қилиш ва сотиш бўйича мавжуд қарздорликлари (жумладан, электр энергиясини харид қилиш ва сотиш нархлари ўртасидаги салбий тафовут ҳисобидан шакланган қарздорлик)ни тақсимлаш тартиби ҳамда сўндириш манбаларини тасдиқласин.

**12.** Белгилансинки, мазкур Фармонга мувофиқ акциядорлик жамиятларининг ва Агентликнинг бир ташкилотдан бошқа бир ташкилотга ўтказилаётган мулки, мулкый ҳуқуқлари, шунингдек, устав капиталидаги акциялари ва улушлари қиймати, шу жумладан уларни қайта ташкил этиш ва тугатиш жараёнлари солиққа тортишнинг барча турлари бўйича солиқ солиш объекти ҳисобланмайди.

**13.** Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров:

**доимий ишчи гуруҳ** тузган ҳолда, энергетика соҳасидаги ислоҳотларни, шу жумладан 2023–2030 йилларга мўлжалланган электр энергиясининг улгуржи ва чакана бозорларига босқичма-босқич ўтиш концепциясининг амалга оширилишини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилишни ташкил этсин;

**ҳар ой** амалга оширилган ишлар натижалари тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиб борсин.

**14.** Энергетика вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

**15.** Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ҳамда энергетика вазири Ж.Т. Мирзамаҳмудов белгилансин.

Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

## 2023–2030 йилларга мўлжалланган электр энергиясининг улгуржи ва чакана бозори механизмларига босқичма-босқич ўтиш КОНЦЕПЦИЯСИ

### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Сўнги 6 йилда Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолиси томонидан электр энергиясига бўлган талаб 1,6 баробар ошиб, **83 млрд кВт/соатга** етди.

Таҳлилларга кўра, 2030 йилга қадар иқтисодиётнинг барча тармоқлари жадал ривожланишини инобатга олган ҳолда электр энергиясига талаб қўшимча **40 млрд кВт/соатга** ошиши мумкин.

Энергетика соҳасининг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини кенгайтириш ҳамда ижтимоий соҳа ва аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш йўлида ўсиб бораётган электр энергиясига бўлган талабни қондириш ва шу билан бир қаторда электр энергетика соҳасида рақобат муҳитини яратиш мақсадида 2023–2030 йилларга мўлжалланган электр энергиясининг улгуржи ва чакана бозори механизмларига босқичма-босқич ўтиш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) ишлаб чиқилган.

2. Концепциянинг асосий мақсади шаффоф ва рақобатли электр энергияси бозорини яратиш, электр энергиясини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишнинг мувозанатини таъминлаш, хусусий инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантириш ҳамда электр энергиясининг адолатли нарх ва тарифларда сотилишини таъминлашдан иборат.

Концепция электр энергияси улгуржи ва чакана бозори механизмларига ўтишнинг асосий босқичларини ва уларда кўзда тутилган муҳим шартларни ўз ичига олиб, комплекс чора-тадбирларни ва ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш учун асос ҳисобланади.



### **3. Концепцияда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:**

**Ўзбекистон Республикаси Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлиги** (кейинги ўринларда — Регулятор) – қонунчиликда белгиланган ваколатлар доирасида фаолият юритувчи ва энергетика бозорини тартибга солувчи ҳамда барча бозор иштирокчиларига лицензия берувчи орган;

**бозор оператори** – электр энергиясининг улгуржи бозори савдоларини ташкил этадиган ва Концепцияда белгиланган бошқа вазифаларни бажарадиган корхона;

**ваколатли истеъмолчи** – Регулятор томонидан белгиланган шартлар асосида улгуржи бозорда электр энергиясини эркин нархларда исталган сотувчидан харид қилиш ҳуқуқи берилган ҳар қандай истеъмолчи;

**хусусий электр станцияси** – электр энергиясини узоқ муддатли кафолатланган сотиб олиш тўғрисидаги битимни имзоламаган хусусий электр энергиясини ишлаб чиқарувчи корхона;

**тартибга солинадиган истеъмолчи** – тартибга солинадиган тарифлар асосида электр энергияси билан таъминладиган ҳар қандай истеъмолчи, ваколатли истеъмолчи бундан мустасно;

**таъминотчилар** – хусусий чакана савдо компаниялари, электр энергиясини истеъмолчиларга сотиш билан шуғулладиган корхоналар;

**тақсимлаш тизими оператори** – электр энергиясининг тақсимлаш тизимини (тақсимловчи электр тармоқлари) эксплуатация қилиш, унга хизмат кўрсатиш ва ривожлантириш учун масъул бўлган электр энергетика корхонаси;

**трейдер** – ишлаб чиқарилган электр энергиясини улгуржи бозорда харид қилувчи хусусий корхона;

**узатиш тизими оператори** – электр энергиясини узатиш тизимини (магистраль электр тармоқларини) эксплуатация қилиш, унга хизмат кўрсатиш, ривожлантириш, тизимнинг қўшни энергия тизимлари билан ўзаро боғлиқлигини ҳамда электр энергиясини таъминлаш барқарорлиги учун масъул бўлган электр энергетика корхонаси;

**“Энергосавдо” корхонаси** – “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖнинг электр энергиясини якуний истеъмолчиларга сотиш функциясини бажарувчи давлат чакана савдо корхонаси;

**“Ўзэнергосотиш” АЖ** – ишлаб чиқарилган барча электр энергиясини ягона харид қилувчи, кейинчалик кафолатланган харид қилувчи сифатида фаолият юритувчи электр энергетика корхонаси.

## II. ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКА СОҶАСИДА ЎТКАЗИЛГАН ДАСТЛАБКИ ИСЛОҶОТЛАР ВА ҲОЗИРГИ КУНДАГИ ҲОЛАТ



*Электр энергетикаси корхоналарининг амалдаги тузилмаси ва вазифалари*

4. Сўнги йилларда халқаро молия институтлари экспертлари билан ҳамкорликда ислоҳотларнинг дастлабки фаол фазаси амалга оширилган, шу жумладан Энергетика вазирлиги ташкил этилган ҳамда вертикал интеграллашган “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамияти функционал тамойилига кўра, тегишли фаолият турлари билан бевосита шуғулланадиган корхоналарга ажратилган:

**“Иссиқлик электр станциялари” акциядорлик жамияти** (кейинги ўринларда – “ИЭС” АЖ) – иссиқлик электр станциялари ҳамда электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқарувчи электр марказларини бошқарувчи ва **“Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамияти** (кейинги ўринларда – “Ўзбекгидроэнерго” АЖ) – сув-энергетика ресурсларини ягона бошқарув тизимини шакллантирувчи ва гидроэнергетика объектларини марказлашган технологик бошқарувчи ташкилотлар;

**“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти** (кейинги ўринларда – “Ўзбекистон МЭТ” АЖ) – узатиш тизими оператори ва ягона харид қилувчи функциясини ўзида мужассам этган ташкилот;

**“Ҳудудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти** (кейинги ўринларда – “ҲЭТ” АЖ) – тақсимлаш тизими оператори ва электр энергиясини истеъмолчиларга сотиш функциясини бажарувчи ташкилот.

**5.** Электр энергетика тизимида олиб борилаётган ислохотлар натижасида ушбу соҳага хусусий инвестициялар жалб қилина бошлади.

Жумладан, 2019–2023 йиллар мобайнида умумий қиймати **25,2 млрд долларлик**, қуввати **24 ГВтга** тенг бўлган **44 та** электр станциясини қуриш бўйича инвесторлар билан келишувларга эришилди.

“Ўзбекистон МЭТ” АЖ ишлаб чиқарувчи корхоналардан (14 та иссиқлик электр станциялари, 46 та гидроэлектр станциялари, 9 та микро гидроэлектр станциялари, 3 та иссиқлик электр марказлари ва 2 та қуёш электр станциялари) электр энергиясини марказлашган тарзда харид қилмоқда ва “ҲЭТ” АЖга белгиланган тарифларда сотмоқда.

“ҲЭТ” АЖ томонидан республика бўйлаб электр энергиясини барча тоифадаги истеъмолчиларга сотиш давлат томонидан тартибга солинадиган тарифлар асосида амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, республиканинг қайта тикланувчи энергия манбалари потенциалидан фойдаланган ҳолда қуёш ва шамол электр станцияларини қуриш доирасида инвестициялар жалб қилиниши соҳа ривожланиши учун таянч бўлди.

Электр энергиясини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизими (АСКУЭ) жорий қилиниб, ишлаб чиқарилган электр энергияси истеъмолини реал вақт режимида назорат қилиш имкони яратилиб, жараён тўлиқ рақамлаштирилди.

Умумий узунлиги 1165 кмдан ортиқ бўлган узатиш электр тармоқлари ҳамда 29 540 кмдан ортиқ бўлган тақсимлаш электр тармоқлари, шунингдек 10 690 та паст кучланишли трансформаторлар барпо этилди.

Соҳада амалга оширилган дастлабки ислохотлар натижасида йилига **қўшимча 15 млрд кВт/соат** электр энергияси ишлаб чиқарила бошлади ҳамда ишлаб чиқарилган электр энергиясини узатиш ва етказиб беришда техник йўқотишлар 15,3 фоиздан 13,2 фоизгача камайди.

**6. Ўзбекистон Республикасининг “Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида”ги ва “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги қонунлари билан бир қаторда электр энергетика соҳасини эркинлаштириш, соҳада давлат ролини камайтириш, электр энергияси бозори фаолиятининг ҳуқуқий асосларини яратиш мақсадида қуйидаги ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда:**

электр энергиясини ишлаб чиқариш, тақсимлаш, харид қилиш ва сотиш билан шуғулланадиган ҳар бир субъектнинг ҳолатини, функцияларини ва мажбуриятларини ҳамда электр энергияси бозорини шакллантириш сиёсатини тартибга солувчи ва сиёсат юритувчи давлат органларининг ҳолати ва функцияларини белгилашни назарда тутувчи янги таҳрирдаги “Электр энергетикаси тўғрисида”ги Қонун;

барча турдаги электр энергиясини ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларни электр тармоқларига улаш жараёнини тартибга солувчи, турли хилдаги ваколат ва мақомга эга бўлган бир қатор идоравий ҳужжатлар ўрнига ягона техник регламентни белгилашни назарда тутувчи Магистраль электр тармоқларидан ҳамда Тақсимлаш электр тармоқларидан фойдаланиш қоидалари (Transmission and Distribution Grid Codes).

Республикада тегишли қонунчилик базаси яратилиши натижасида электр энергиясини келишилган нархлар асосида сотиб олиш бўйича узоқ муддатли битимлар тузиш орқали давлат-хусусий шериклик (ДХШ) асосидаги электр станциялари қурилиши учун тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилинмоқда.

**7. Шу билан бирга, 2030 йилга қадар электр энергетика соҳасида ҳал этилиши зарур бўлган қуйидаги асосий масалалар мавжуд:**

электр энергиясига ўсиб бораётган талабни қондириш билан боғлиқ йиллик капитал харажатларни қоплаш учун инвестицияларга бўлган зарурий эҳтиёж;

давлат ва хусусий электр станциялари ўртасида рақобат муҳити шаклланмаганлиги туфайли уларнинг таннархни туширишдан манфаатдор эмаслиги;

ишлаб чиқариш қувватларининг етарли даражадаги захирага эга эмаслиги сабабли истеъмолчиларни электр энергияси билан таъминлай олмаслик хавфи;

электр энергетика соҳасида норматив-ҳуқуқий базанинг такомиллашмаганлиги ҳамда электр энергияси бозорининг фаолиятига доир ҳуқуқий асосларнинг етишмаслиги.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ–158-сон Фармони билан тасдиқланган “**Ўзбекистон – 2030**” стратегиясида келгуси 7 йилда иқтисодиёт ҳажмини 2 баробар ошириш, йирик мис, кимё-полимер ва машинасозлик кластерларини ташкил этиш ҳамда хом ашёни чуқур қайта ишлаш тармоқлари ҳажмини 2,5 баробарга кўпайтириш кўзда тутилган.

Шунингдек, иқтисодиёт тармоқлари ва аҳоли эҳтиёжи учун етказиб бериладиган электр энергияси миқдорини 120 миллиард кВтга етказиш ва ушбу кўрсаткичнинг 40 фоизи миқдори қайта тикланувчи энергия манбалари ҳисобига амалга оширилиши белгиланган.

Ушбу кўрсаткичларга эришиш учун соҳага қўшимча 52,3 млрд АҚШ доллари миқдорида, жумладан, узатиш ва тақсимлаш электр тармоқларини ривожлантиришга 3,7 млрд АҚШ доллари, подстанция ва трансформаторлар учун 5,3 млрд АҚШ доллари, қуёш ва шамол электр станциялари ҳамда электр энергиясини сақлаш қувватларини қуриш учун 26,7 млрд АҚШ доллари, шунингдек иссиқлик ва гидроэлектр станцияларини қуриш учун 16,5 млрд АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб этиш талаб қилинади.

Шунингдек, электр энергиясини махсус назорат қилиш ва маълумотларни йиғиш тизимини (SCADA) ҳамда электр энергиясини бошқариш тизимини (EMS) жорий этиш учун 125 млн АҚШ доллари миқдоридаги инвестицияга зарурат мавжуд.

Мазкур ишлар соҳада рақобат муҳитини яратиш ҳамда электр энергиясининг улгуржи ва чакана бозорларини ташкил қилиш орқали амалга оширилиши мумкин.

### **III. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНING УЛГУРЖИ ВА ЧАКАНА БОЗОРИ МЕХАНИЗМЛАРИГА ЎТИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ**

9. Электр энергиясининг улгуржи ва чакана бозори механизмларига ўтишнинг **устувор йўналишлари** қуйидагилардан иборат:

электр энергиясининг улгуржи ва чакана бозорларини **босқичма-босқич шакллантириш** орқали электр энергиясига бўлган талабнинг тўлиқ қондирилишини ва **нархларнинг асоссиз равишда оширилмаслигини** ҳамда республикада **электр энергияси хавфсизлигини** таъминлаш;

электр энергиясининг улгуржи ва чакана бозорлари **барча иштирокчиларининг тенг шароитларда** узатиш ва тақсимлаш электр тармоқларига уланишини таъминлаш (тармоқлар ва бозорларга очиқ кириш);

электр энергиясининг **улгуржи ва чакана бозорларини** шакллантириш орқали истеъмолчиларни сифатли электр энергияси билан таъминлаш;

аҳоли учун **ижтимоий тарифлар** тизимини сақлаб қолиш;

давлат кафолатисиз **хусусий инвестицияларни** жалб қилишга замин яратиш;

қайта тикланувчи энергия манбаларининг салоҳиятидан кенг фойдаланиш орқали **экологик тоза электр энергиясини** ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш;

тарифларни белгилаш тизимидан электр энергиясининг улгуржи бозорида шаклланадиган **рақобатбардош (талаб ва таклифлар асосида) нархлар** тизимига ўтиш.

#### **IV. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИНГ УЛГУРЖИ ВА ЧАКАНА БОЗОРИ МЕХАНИЗМЛАРИГА ЎТИШ ШАРТЛАРИ ВА БОСҚИЧЛАРИ**

**10.** Электр энергиясининг улгуржи ва чакана бозори механизмларига ўтиш **3 та босқичда** амалга оширилади ва босқичларнинг **асосий шартлари** қуйидагилардан иборат:

Регулятор томонидан энергетика соҳасида **бозор муносабатларининг молиявий, иқтисодий ва ҳуқуқий сиёсатини юритиш;**

электр энергиясининг улгуржи ва чакана бозорлари иштирокчилари фаолиятини тартибга солувчи **бозор қонун-қоидаларини тасдиқлаш;**

электр энергиясининг улгуржи ва чакана бозорлари иштирокчиларига **лицензия бериш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;**

Магистраль электр тармоқларидан ҳамда Тақсимлаш электр тармоқларидан фойдаланиш қоидаларини (Transmission and Distribution Grid Codes) қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг **“Электр энергетикаси тўғрисида”**ги Қонунини янги таҳрирда қабул қилиш;

электр энергиясининг улгуржи ва чакана бозори механизмларига ўтишнинг амалдаги босқич шартлари **тўлиқ бажарилганидан кейин навбатдаги босқичга ўтиш.**

Бунда, аҳоли учун электр энергияси тарифларини белгилашда **ижтимоий ҳимоя механизмлари жорий этилиб**, республиканинг барча ҳудудларида **2035 йилга қадар аҳоли учун электр энергияси ягона нарх сиёсати асосида сотилиши таъминланади.**

### **1-босқич – “Икки томонлама шартномалар асосидаги харидлар” босқичи (кафолатланган харид қилувчи)**



*“Икки томонлама шартномалар асосидаги харидлар” босқичи*

**11. “Икки томонлама шартномалар асосидаги харидлар” босқичида қўйидаги асосий чора-тадбирлар амалга оширилади:**

“ҲЭТ” АЖнинг электр энергиясини якуний истеъмолчиларга сотиш функцияси тақсимлаш электр тармоқларига хизмат кўрсатиш функциясидан ажратилиб, алоҳида давлат чакана савдо корхонасига ўтказилган ҳолда “ҲЭТ” АЖнинг филиали – “Энергосавдо” корхонаси ташкил этилади;

“ҲЭТ” АЖ электр энергиясини тақсимлаш ва электр тармоқларига хизмат кўрсатиш вазифаларини ўзида сақлаб қолади;

республиканинг тажриба-синов сифатида танланган ҳудудларида таъминотчиларга босқичма-босқич фаолият юритишига рухсат берилади;

электр энергиясининг савдо операцияларини амалга оширувчи бозор оператори томонидан тест режимида ишлайдиган **онлайн савдо платформаси яратилади;**

электр энергияси бозори иштирокчиларини ва савдо шартномаларини рўйхатдан ўтказиш ҳамда ҳисоб-китоб ва клиринг операцияларини амалга ошириш мақсадида **бозор оператори ташкил этилади.**

**12. Электр энергиясининг улгуржи ва чакана бозори механизмларига ўтишнинг биринчи – “Икки томонлама шартномалар асосидаги харидлар” босқичи қуйидаги таъминотларга асосланади:**

электр энергияси бозорининг барча иштирокчилари Регулятор томонидан мазкур босқич учун **тасдиқланган бозор қонун-қоидалари** асосида фаолият юритади;

электр энергияси бозорининг барча иштирокчилари (ишлаб чиқарувчилар, “Ўзэнергосотиш” АЖ, давлат чакана савдо корхонаси (“Энергосавдо” корхонаси), таъминотчилар, узатиш ва тақсимлаш тизимлари операторлари)га Регулятор томонидан **лицензия берилади;**

электр энергиясини ишлаб чиқарувчи барча энергетика корхоналари электр энергиясини ягона харид қилувчи (“Ўзэнергосотиш” АЖ)га Регулятор томонидан тасдиқланган тарифларда **узоқ муддатли (камида бир йиллик)** шартномалар асосида сотади;

“Ўзэнергосотиш” АЖ электр энергиясини **узоқ муддатли** (камида бир йиллик) икки томонлама шартномалар асосида **йирик истеъмолчиларга (ваколатли истеъмолчилар)** ва таъминотчиларга келишилган нархларда ҳамда “Энергосавдо”га белгиланган тарифларда сотади;

қўшни мамлакатлар билан электр энергиясининг **импорт ва экспорт** операциялари “Ўзэнергосотиш” АЖ томонидан амалга оширилади;

узатиш тизими оператори томонидан узатиш электр тармоқлари бошқарилади ва уларни модернизация қилиш орқали энергия тизимида **барқарорлик таъминланади;**

тақсимлаш тизими оператори томонидан тақсимлаш электр тармоқлари бошқарилади, шу жумладан, эксплуатация қилинади, қайта қурилади ва модернизация қилинади;

Регулятор томонидан узатиш ва тақсимлаш тизимлари операторларининг электр энергиясини узатиш ва тақсимлаш хизматлари учун **алоҳида тарифлар** белгиланади;

узатиш ва тақсимлаш тизимлари операторлари томонидан қабул қилинган **электр энергияси ҳажми тўлиқ узатилади ва тақсимланади** ҳамда электр энергиясини узатиш ва тақсимлаш жараёнидаги **технологик сарф ўрни улгуржи бозордан харид қилиш орқали қопланади;**

бозорнинг барча иштирокчилари, ҳам давлат, ҳам хусусий ишлаб чиқарувчи корхоналар учун узатиш ва тақсимлаш тизимлари операторлари тизимларига уланишда **тенг имкониятлар яратилади** (электр тармоқларига эркин уланиш);



“Энергосавдо” корхонаси электр энергиясини Регулятор томонидан белгиланган тарифларда **“Ўзэнергосотиш” АЖдан харид қилади** ва истеъмолчиларга сотади;

таъминотчилар муайян бир ҳудудга **бириктирилмайди** ва истеъмолчиларга таъминотчиларни **танлаш имкони яратилади**;

“Энергосавдо” корхонаси билан рақобат қиладиган хусусий чакана савдо компаниялари **(таъминотчилар) вужудга келади** ва улар ҳам электр энергиясини “Ўзэнергосотиш” АЖдан белгиланган тарифларда харид қилади ҳамда белгиланган тарифларда ёки белгиланган тарифлардан чегирмалар қўллаган ҳолда истеъмолчиларга сотади;

маълум бир ҳудудда таъминотчи **фаолияти мавжуд бўлмаганда** ёки тўхтатилган тақдирда, “Энергосавдо” корхонаси электр энергиясини **кафолатланган етказиб берувчи функциясини** бажаради.

**13.** “Икки томонлама шартномалар асосидаги харидлар” босқичини (1-босқич) амалга ошириш муддати 2024–2025 йиллар.

## **2-босқич – “Кейинги кун учун савдолар” босқичи**



*“Кейинги кун учун савдолар” босқичи*

**14.** “Кейинги кун учун савдолар” босқичига ўтишнинг асосий шартлари:

йилнинг исталган кунда, жумладан, электр энергиясининг ўта юкланиш даврларида (талаб максимал бўлган даврларда) истеъмолчиларнинг электр энергиясига бўлган талаби **тўлиқ қондирилишини таъминлаш**;

электр энергиясининг кейинги кун учун савдолари **ҳисобини юритиш учун** бозор оператори томонидан онлайн савдо платформасини **тўлиқ ишга тушириш**;

Регулятор томонидан “Кейинги кун учун савдолар” босқичи учун **бозор қонун-қоидаларини ҳамда бозор иштирокчиларига лицензия бериш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;**

реал вақтда электр энергиясини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишнинг мувозанатини таъминлаш учун электр энергиясининг захира қувватларини сақлаб туриш хизмати бозорини (**мувозанатлаш бозори**) йўлга қўйиш мақсадида **мувозанатлаш бозори қонун-қоидаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.**

**15. “Кейинги кун учун савдолар” босқичида қуйидаги асосий чоратadbирлар амалга оширилади:**

“ҚЭТ”АЖнинг “Энергосавдо” филиали **алоҳида корхона** шаклида қайта ташкил этилади;

республиканинг барча ҳудудларида таъминотчилар фаолияти йўлга қўйилади;

улгуржи бозорда электр энергиясини харид қилиш ва сотиш билан шуғулланадиган хусусий компаниялар – **трейдерлар** фаолияти йўлга қўйилади.

**16. “Кейинги кун учун савдолар” босқичи қуйидаги тамойилларга асосланади:**

электр энергияси бозорининг барча иштирокчилари Регулятор томонидан “Кейинги кун учун савдолар” босқичи учун тасдиқланган **бозор қонун-қоидалари асосида фаолият юритади;**

электр энергияси бозорининг барча иштирокчилари (ишлаб чиқарувчилар, “Ўзэнергосотиш” АЖ, “Энергосавдо” корхонаси, таъминотчилар, трейдерлар, узатиш ва тақсимлаш тизимлари операторлари)га Регулятор томонидан **лицензия берилади;**

электр энергиясининг улгуржи бозорида – **электр энергиясини узоқ муддатли кафолатланган сотиб олиш тўғрисидаги битимни имзоламаган хусусий электр станциялари пайдо бўлади;**

улгуржи бозорда электр энергиясини харид қилиш ва сотиш билан шуғулланадиган хусусий компаниялар – **трейдерлар** пайдо бўлади;

ДХШ тамойили асосида фаолият юритадиган электр станциялари электр энергиясини **кафолатланган харид қилувчи** (“Ўзэнергосотиш” АЖ)га узоқ муддатли битимлар асосида сотади;

давлат ва хусусий электр станциялари электр энергиясини онлайн савдо платформаси орқали улгуржи бозорда **ваколатли истеъмолчиларга, таъминотчиларга, “Энергосавдо” корхонасига ва трейдерларга талаб ва таклиф асосида шакланган нархларда** сотади;

“Ўзэнергосотиш” АЖ қўшни мамлакатларга электр энергиясининг **импорт ва экспорт операцияларини амалга оширади;**

“Ўзэнергосотиш” АЖ ва **трейдерлар** электр энергиясини **онлайн савдо платформаси** орқали таъминотчиларга, “Энергосавдо” корхонасига ва ваколатли истеъмолчиларга **талаб ва таклиф асосида шакланган нархларда** сотади;

Регулятор томонидан узатиш ва тақсимлаш тизимлари операторларининг электр энергиясини узатиш ва тақсимлаш хизматлари учун **алоҳида тарифлар** белгиланади;

узатиш ва тақсимлаш тизимлари операторлари томонидан қабул қилинган **электр энергияси ҳажми тўлиқ узатилади ва тақсимланади** ҳамда электр энергиясини узатиш ва тақсимлаш жараёнидаги **технологик сарфланган электр энергиясининг ўрни электр энергиясини улгуржи бозордан харид қилиш орқали қопланади;**

“Энергосавдо” корхонаси электр энергиясини Регулятор томонидан белгиланган **тарифларда истеъмолчиларга сотади;**

таъминотчилар электр энергиясини белгиланган тарифларда ёки **белгиланган тарифлардан чегирмалар** қўллаган ҳолда истеъмолчиларга сотади;

ваколатли истеъмолчилар ва таъминотчиларга давлат ҳамда хусусий электр станцияларидан онлайн савдо платформаси орқали электр энергиясини **тўғридан-тўғри харид қилиш ҳуқуқи берилади;**

электр энергиясининг **барча савдо операциялари ўрнатилган тартибда онлайн савдо платформаси** орқали амалга оширилади;

маълум бир ҳудудда таъминотчи **фаолияти мавжуд бўлмаганда** ёки тўхтатилган тақдирда, “Энергосавдо” корхонаси электр энергиясини **кафолатланган етказиб берувчи функциясини** бажаради.

17. “Кейинги кун учун савдолар” босқичини (2-босқич) амалга ошириш муддати 2026–2028 йиллар.

### 3-босқич – “Кун ичи (соатбай) савдолар” босқичи



“Кун ичи (соатбай) савдолар” босқичи

18. “Кун ичи (соатбай) савдолар” босқичига ўтишнинг асосий шартлари:

электр энергиясининг кун ичи (соатбай) савдолари учун соатбай шаклландиган нархлар ҳисобини юритиш мақсадида бозор оператори томонидан онлайн савдо платформасини такомиллаштириш;

Регулятор томонидан “Кун ичи (соатбай) савдолар” босқичи учун бозор қонун-қоидаларини ҳамда бозор иштирокчилари лицензияларини ва лицензиялаш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

19. “Кун ичи (соатбай) савдолар” босқичида қуйидаги асосий чора-тадбирлар амалга оширилади:

“Ўзэнергосотиш” АЖнинг бозордаги улушини камайтириш учун унга маҳаллий электр станцияларидан электр энергиясини харид қилиш тақиқланади;

бозор оператори томонидан электр энергияси кун ичи (соатбай) чакана бозорида фаолият юритиб келаётган ва бозорга кириш истагида бўлган иштирокчиларнинг молиявий-иқтисодий аҳволи клиринг операциялари орқали таҳлил қилинади ва бозорда иштирок этишга лойиқлик даражаси баҳоланади.

20. Электр энергиясининг улгуржи ва чакана бозори механизмларига ўтишнинг учинчи – “Кун ичи (соатбай) савдолар” босқичи қуйидаги тамойилларга асосланади:

электр энергияси бозорининг барча иштирокчилари Регулятор томонидан “Кун ичи (соатбай) савдолар” босқичи учун тасдиқланган **бозор қонун-қоидалари** асосида фаолият юритади;

электр энергияси бозорининг барча иштирокчилари (ишлаб чиқарувчилар, “Ўзэнергосотиш” АЖ, “Энергосавдо” корхонаси, таъминотчилар, трейдерлар, узатиш ва тақсимлаш тизимлари операторлари)га Регулятор томонидан **лицензия берилади**;

давлат ва хусусий электр станциялари электр энергиясини онлайн савдо платформаси орқали улгуржи бозорда **ваколатли истеъмолчилар**, “Энергосавдо” корхонаси, трейдерлар ва **таъминотчиларга** талаб ва таклиф асосида шаклланган **нархларда соатбай сотади**;

ДХШ тамойили асосида фаолият юритадиган электр станциялари электр энергиясини кафолатланган харид қилувчига (“Ўзэнергосотиш” АЖ) **узоқ муддатли битимлар асосида сотади**;

“Ўзэнергосотиш” АЖ электр энергиясини **ваколатли истеъмолчиларга**, “Энергосавдо” корхонаси ва **таъминотчиларга** талаб ва таклиф асосида шаклланган нархларда сотади;

“Ўзэнергосотиш” АЖ қўшни мамлакатларга электр энергиясининг **импорт ва экспорт** операцияларини амалга оширади;

трейдерлар электр энергиясини **ваколатли истеъмолчиларга**, “Энергосавдо” корхонаси ва **таъминотчиларга** талаб ва таклиф асосида шаклланган нархларда сотади;

Регулятор томонидан узатиш ва тақсимлаш тизимлари операторларининг электр энергиясини узатиш ва тақсимлаш хизматлари учун **алоҳида тарифлар** белгиланади;

узатиш ва тақсимлаш тизимлари операторлари томонидан қабул қилинган **электр энергияси ҳажми тўлиқ узатилади ва тақсимланади** ҳамда электр энергиясини узатиш ва тақсимлаш жараёнидаги **технологик сарфланган электр энергиясининг ўрни электр энергиясини улгуржи бозордан харид қилиш орқали қопланади**;

“Энергосавдо” корхонаси электр энергиясини Регулятор томонидан **белгиланган тарифларда** истеъмолчиларга сотади;

таъминотчилар электр энергиясини белгиланган тарифларда ёки белгиланган **тарифлардан чегирмалар қўллаган** ҳолда истеъмолчиларга сотади;

маълум бир ҳудудда таъминотчи **фаолияти мавжуд бўлмаганда** ёки тўхтатилган тақдирда, “Энергосавдо” корхонаси электр энергиясини **кафолатланган етказиб берувчи функциясини** бажаради.

**21.** “Кун ичи (соатбай) савдолар” босқичини (3-босқич) амалга ошириш муддати 2029–2030 йиллар.

## **V. Электр энергиясининг улгуржи ва чакана бозори механизмларига ўтишдан кутилаётган натижалар**

**22.** Электр энергиясининг улгуржи ва чакана бозори механизмларига босқичма-босқич ўтиш орқали қуйидаги натижаларга эришилади:

йилнинг исталган кунда, жумладан, ўта юкланиш даврларида (талаб максимал бўлган даврларда) истеъмолчиларнинг электр энергиясига бўлган талаби **тўлиқ қондирилиши таъминланади;**

республикада электр энергиясининг таъминот **сифати, ишончилиги ва барқарорлиги таъминланади;**

электр энергиясининг **нархи асоссиз оширилмаслиги таъминланади;**

электр энергиясининг улгуржи ва чакана бозорлари **шаклланиши** натижасида ишлаб чиқарувчилар ва таъминотчилар ўртасидаги шартномалар онлайн равишда бозор талаб ва таклифларига мувофиқ шаклланган нархларда тузилади ва **ваколатли истеъмолчиларнинг** электр энергияси истеъмоли, таъминотчиларнинг харажатлари, электр энергиясини ишлаб чиқариш мобайнида фойдаланилган энергия ресурсларини истеъмол қилиш **ҳажмлари оптималлаштирилади;**

ҳудудларда таъминотчиларнинг сони ошишига, истеъмолчилар томонидан танлаш имконияти яратилишига ҳамда кўрсатилаётган хизматлар сифатининг **доимий яхшиланишига эришилади;**

электр энергетика соҳасида рақобат муҳити шаклланиши ҳисобига хусусий электр станциялари қурилишида **давлат кафолатсиз инвестициялар жалб қилинади.**

**2023–2030 йилларга мўлжалланган электр энергиясининг улгуржи ва чакана бозори механизмларига  
босқичма-босқич ўтиш концепциясини 2023–2024 йилларда амалга ошириш бўйича  
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”**

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
<b>I. Электр энергетикаси соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ҳуқуқий базани шакллантириш</b>				
1.	Янги таҳрирдаги “Электр энергетикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш.	Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг ҳамда Жаҳон банкининг техник кўмаги асосида жалб қилинган халқаро экспертлар билан биргаликда ишлаб чиқилган янги таҳрирдаги “Электр энергетикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни лойиҳасини тегишли вазирлик ва идоралар билан келишиб, Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2023 йил декабрь	Энергетика вазирлиги ( <i>Мирзамаҳмудов</i> ), Адлия вазирлиги ( <i>Ташкулов</i> ), манфаатдор вазирлик ва идоралар
2.	“Энергетика бозорини тартибга солиш тўғрисида”ги норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш.	1. Халқаро молия институтлари техник кўмагида халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда, “Энергетика бозорини тартибга солиш тўғрисида”ги норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.	2024 йил апрель	Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлиги, Энергетика вазирлиги ( <i>Мирзамаҳмудов</i> ),

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
		2. “Энергетика бозорини тартибга солиш тўғрисида”ги норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тегишли вазирлик ва идоралар билан келишиб, Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2024 йил май	Адлия вазирлиги (Ташкулов), манфаатдор вазирлик ва идоралар
3.	Халқаро молия институтлари техник кўмагида халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда, электр энергетикаси соҳасида рақобатли бозорни шакллантириш мақсадида бозор иштирокчилари фаолиятини тартибга солувчи улгуржи ва чакана бозор қоидаларини, шу жумладан бозор иштирокчилари фаолиятини лицензиялаш тартибини тасдиқлаш.	1. Бозор иштирокчилари фаолиятини тартибга солувчи рақобатли улгуржи ва чакана бозор қоидаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Электр энергияси бозорида фаолият юритиш учун бозор иштирокчилари фаолиятини лицензиялаш тартибини тасдиқлаш.	2024 йил март  2024 йил март	Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлиги, Энергетика вазирлиги (Мирзамахмудов), Адлия вазирлиги (Ташкулов), Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси (Шарахметов)
4.	2020 – 2030 йилларда Ўзбекистон Республикасини электр энергияси билан таъминлаш концепциясини қайта кўриб чиқиш.	1. Жаҳон банкининг техник кўмаги асосида 2020 – 2030 йилларда Ўзбекистон Республикасини электр энергияси билан таъминлаш концепциясини қайта кўриб чиқиб, унинг янги таҳририни ишлаб чиқиш.	2023 йил декабрь	Энергетика вазирлиги (Мирзамахмудов), Энергетика бозорини ривожлантириш



Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
		<p>2. Янги таҳрирдаги 2020 – 2030 йилларда Ўзбекистон Республикасини электр энергияси билан таъминлаш концепциясини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	<p>2024 йил февраль</p>	<p>ва тартибга солиш агентлиги, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ (Исақулов), “Худудий электр тармоқлари” АЖ (Мустафаев), “Иссиқлик электр станциялари” АЖ (Жураев)</p>
5.	<p>Магистраль электр тармоқларидан фойдаланиш қоидаларини қабул қилиш.</p>	<p>1. Халқаро молия институтларининг техник кўмагида халқаро экспертлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган Магистраль электр тармоқларидан фойдаланиш қоидалари лойиҳасини тегишли вазирлик ва идоралар билан келишиш. 2. Магистраль электр тармоқларидан фойдаланиш қоидалари лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	<p>2023 йил декабрь  2024 йил январь</p>	<p>Энергетика вазирлиги (Мирзамаҳмудов), Адлия вазирлиги (Ташкулов), Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлиги, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ (Исақулов)</p>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
6.	Тақсимлаш электр тармоқларидан фойдаланиш қоидаларини қабул қилиш.	<p>1. Халқаро молия институтларининг техник кўмагида халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда, Тақсимлаш электр тармоқларидан фойдаланиш қоидалари лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Тақсимлаш электр тармоқларидан фойдаланиш қоидалари лойиҳасини тегишли вазирлик ва идоралар билан келишиш ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	<p>2024 йил апрель</p> <p>2024 йил июнь</p>	<p>“Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ (<i>Мустафаев</i>), Энергетика вазирлиги (<i>Мирзамаҳмудов</i>), Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлиги, Адлия вазирлиги (<i>Ташкулов</i>)</p>
7.	Электр энергиясининг савдо операциялари учун мўлжалланган савдо платформасини (кейинги ўринларда – савдо платформаси) яратиш.	<p>1. Халқаро молия институтларининг техник кўмагида халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда савдо платформасини яратиш учун техник топшириқ ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Савдо платформасининг дастурий таъминотини ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказиш.</p>	<p>2024 йил апрель</p> <p>2024 йил декабрь</p>	<p>“Ўзэнергосотиш” АЖ, Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлиги, Энергетика вазирлиги (<i>Мирзамаҳмудов</i>)</p>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
<b>II. Магистраль ва тақсимлаш электр тармоқларини ривожлантириш</b>				
8.	Республика ҳудудидаги юқори кучланишли магистраль электр тармоқларини ривожлантириш.	“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ томонидан давлат кафолати остида халқаро молия институтларидан 3 та инвестиция лойиҳаси доирасида жалб қилинган 138,9 млн доллар миқдоридagi маблағларни тўлиқ ўзлаштириш орқали қуввати 500 МВА бўлган 1 та 220 кВли ва 1 002 МВА қувватга эга 500 кВли янги подстанция, шунингдек 465 км юқори кучланишли (220 ва 500 кВли) электр узатиш тармоқларини қуриш ишларини якунлаш.	2024 йил декабрь	Энергетика вазирлиги (Мирзамаҳмудов), “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ (Исақулов)
9.	Республика ҳудудидаги паст кучланишли тақсимлаш электр тармоқларини ривожлантириш.	2024 йил якунига қадар умумий узунлиги 12 минг км бўлган 0,4–110 кВли электр узатиш тармоқлари ва 3 мингта трансформатор пунктини модернизация ва реконструкция қилиш ишларини якунлаш. Шу жумладан, “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ томонидан давлат кафолати остида халқаро молия институтларидан 3 та инвестиция лойиҳаси доирасида жалб қилинган 790 млн доллар миқдоридagi маблағларни тўлиқ ўзлаштириш.	2024 йил декабрь	Энергетика вазирлиги (Мирзамаҳмудов), “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ (Мустафоев)

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Масъул ижрочилар
10.	<p>Республиканинг энергетика соҳасини Диспетчерлик бошқаруви ва маълумотларни йиғиш дастурий-аппарат комплекси (SCADA) ҳамда Акциядорлик жамиятининг ресурсларни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимини (ERP) жорий этиш орқали рақамлаштириш ва киберхавфсизликни таъминлаш.</p>	<p>1. “Энергетика тизимига рақамли технологияларни жорий қилишни мувофиқлаштирувчи ҳукумат ишчи гуруҳи”ни тузиш.</p> <p>2. Акциядорлик жамиятининг ресурсларни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимини (ERP) “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ, “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ, “Иссиқлик электр станциялари” АЖ ва “Ўзбекгидроэнерго” АЖга жорий этиш бўйича лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Диспетчерлик бошқаруви ва маълумотларни йиғиш дастурий-аппарат комплексини (SCADA) “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ ва “Миллий диспетчерлик маркази” ДУКга жорий этиш бўйича лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш.</p>	<p>2023 йил ноябрь</p> <p>2024 йил декабрь</p> <p>2024 йил декабрь</p>	<p>“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ (Исақулов),</p> <p>“Миллий диспетчерлик маркази” ДУК (Бобоев),</p> <p>Энергетика вазирлиги (Мирзамаҳмудов),</p> <p>“Киберхавфсизлик маркази” ДУК (Мирзаев),</p> <p>Рақамли технологиялар вазирлиги (Шерматов),</p> <p>“Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ (Мустафоев),</p> <p>“Иссиқлик электр станциялари” АЖ (Жураев)</p>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
11.	<p>“Худудий электр тармоқлари” АЖ истеъмолчиларига етказиб бериладиган электр энергияси ҳисобини юритиш учун янги биллинг тизимини ишлаб чиқиш ва тўлиқ амалиётга жорий этиш.</p>	<p>1. Жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, замонавий технологиялар асосида, истеъмолчиларга етказиб берилган электр энергиясининг ҳисобини юритиш учун янги биллинг дастурини яратишда техник талабларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>2. “Худудий электр тармоқлари” АЖ “UZINFOCOM” давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб қувватлаш бўйича ягона интегратор” МЧЖ билан янги биллинг тизимини ишлаб чиқиш ва тўлиқ амалиётга жорий этиш бўйича тузилган шартнома доирасида янги биллинг тизими тест режимида ишлашини ҳамда Тошкент шаҳри истеъмолчилари мазкур тизимга ўтказилишини таъминлаш.</p> <p>3. Етказиб берилган электр энергияси ҳисобини юритиш учун янги биллинг тизимини тўлиқ амалиётга жорий этиш.</p>	<p>2023 йил декабрь</p> <p>2024 йил февраль</p> <p>2024 йил декабрь</p>	<p>Рақамли технологиялар вазирлиги (Шерматов), Энергетика вазирлиги (Мирзамаҳмудов), “Киберхавфсизлик маркази” ДУК (Мирзаев), “Миллий диспетчерлик маркази” ДУК (Бобоев), “Худудий электр тармоқлари” АЖ (Мустафоев)</p>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Масъул ижрочилар
<b>III. Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлиги ҳамда “Ўэнергосотиш” АЖ фаолиятини ташкил этиш</b>				
12.	Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) фаолиятини ташкил этиш.	<p>Агентлик ижро аппаратининг бошқарув лавозимларига тайинланадиган номзодлар (бошқарув раиси ва унинг ўринбосарлари) бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш.</p> <p>Агентликни жойлаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш.</p>	<p>2023 йил октябрь</p> <p>2023 йил ноябрь</p>	<p>Энергетика вазирлиги (Мирзамаҳмудов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ходжаев)</p> <p>Давлат активларини бошқариш агентлиги (Ортиқов), Тошкент шаҳри ҳокимлиги (Умурзаков), Энергетика вазирлиги (Мирзамаҳмудов)</p>
		<p>Тегишли вазирлик ва идораларнинг Агентликка босқичма-босқич ўтказилаётган функцияларини бажариш вазифаси юклатилган штат бирликларини Агентликка ўтказиш ҳисобига Агентликнинг 20 та штат бирлигини шакллантириш.</p>	<p>2023 йил декабрь</p>	<p>Энергетика вазирлиги (Мирзамаҳмудов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ходжаев), Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлиги</p>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
		Халқаро молия институтларининг техник кўмагида халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда Агентлик тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2024 йил январь	Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлиги, Энергетика вазирлиги (Мирзамаҳмудов), Адлия вазирлиги (Ташкулов)
13.	Электр энергияси тарифларини шакллантиришнинг янги услубиётини ишлаб чиқиш.	<p>1. Халқаро молия институтларининг техник кўмагида электр энергияси тарифларини шакллантиришнинг янги услубиётини ишлаб чиқиш учун экспертларни жалб қилиш.</p> <p>2. Электр энергияси тарифларини шакллантиришнинг янги услубиётини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритиш.</p> <p>3. “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг электр энергиясини харид қилиш ва сотиш бўйича мавжуд қарздорлиги (шу жумладан, электр энергиясини харид қилиш ва сотиш нархлари ўртасидаги салбий тафовут ҳисобидан шаклланган қарздорлик)ни тақсимлаш тартибини ишлаб чиқиш ва сўндириш манбаларини тасдиқлаш.</p>	2023 йил декабрь  2024 йил февраль  2024 йил апрель	Идоралараро тариф комиссияси, Энергетика вазирлиги (Мирзамаҳмудов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ходжаев), Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлиги

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
14.	<p>“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг электр энергияси марказий харид қилувчиси функциясини алоҳида компанияга ўтказиш орқали “Ўзэнергосотиш” АЖ фаолиятини ташкил этиш.</p>	<p>1. “Ўзэнергосотиш” АЖни ташкил этиш учун таъсис ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва расмийлаштириш.</p> <p>2. “Ўзэнергосотиш” АЖнинг ташкилий тузилмаси ва ижроия органларининг тузилмаларини тасдиқлаш.</p> <p>3. “Ўзэнергосотиш” АЖнинг бошқарув органларини (кузатув кенгаши ва ижро этувчи органлар) шакллантириш.</p> <p>4. “Ўзэнергосотиш” АЖ фаолиятини йўлга қўйиш учун зарур бўлган барча чораларни кўриш.</p>	<p>2023 йил октябрь</p> <p>2023 йил ноябрь</p> <p>2023 йил ноябрь</p> <p>2024 йил март</p>	<p>Энергетика вазирлиги (Мирзамаҳмудов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ходжаев), Давлат активларини бошқариш агентлиги (Ортиқов), “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ (Исақулов)</p>
15.	<p>Электр энергиясининг узатиш, уни сотиш ва сотиб олиш тарифларини ҳамда электр энергияси учун келиб тушадиган маблағларни тақсимлашнинг янги тартибини тасдиқлаш.</p>	<p>1. “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг электр энергиясини магистраль электр тармоқлари орқали узатиш, “Ўзэнергосотиш” АЖ учун электр энергиясини сотиш ва сотиб олиш тарифларини ҳамда электр энергияси учун келиб тушадиган маблағларни тақсимлашнинг янги тартибини ишлаб чиқиш.</p>	<p>2024 йил апрель</p>	<p>Идоралараро тариф комиссияси, Энергетика вазирлиги (Мирзамаҳмудов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ходжаев), Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлиги</p>



Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
		<p>2. Ишлаб чиқилган электр энергиясини узатиш, “Ўзэнергосотиш” АЖ учун электр энергиясини сотиш ва сотиб олиш тарифларини ҳамда электр энергияси учун келиб тушадиган маблағларни тақсимлашнинг янги тартибини тасдиқлаш.</p> <p>3. “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг “Энергосавдо” корхонасини ташкил этиш ва унинг фаолиятини барча ҳудудларда йўлга қўйиш.</p>	<p>2024 йил май</p> <p>2024 йил май</p>	
16.	Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва айланма маблағларни тўлдириш учун “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ томонидан имзоланган шартномаларни қайта расмийлаштириш.	<p>1. “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг узоқ муддатли электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги шартномаларини (Power Purchase Agreements) янги ташкил этилган “Ўзэнергосотиш” АЖ номига тегишли далолатномалар ва шартномалар (битимлар) орқали қайта расмийлаштириш.</p> <p>2. Хусусий электр станциялари инвесторлари билан “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ томонидан имзоланган 34 та инвестиция шартномаси ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги битимларга тегишли ўзгартиришлар киритиш.</p>	<p>2024 йил май</p> <p>2024 йил май</p>	<p>“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ (Исақулов), “Ўзэнергосотиш” АЖ, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ходжаев), Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (Кудратов), Энергетика вазирлиги (Мирзамаҳмудов)</p>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
		<p>3. “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг электр энергиясини “Ўзбекгидроэнерго” АЖ, “Иссиқлик электр станциялари” АЖлардан сотиб олиш ва электр энергиясини “Худудий электр тармоқлари” АЖга сотиш билан боғлиқ 16та шартномани “Ўзэнергосотиш” АЖ номига тегишли далолатномалар ва шартномалар (битимлар) орқали қайта расмийлаштириш.</p> <p>4. “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг электр энергиясини сотиш ва сотиб олиш билан боғлиқ бўлган барча дебиторлик ва кредиторлик қарздорлигини хатловдан ўтказиб, “Ўзэнергосотиш” АЖ номига тегишли далолатномалар ва шартномалар (битимлар) орқали ўтказиш.</p> <p>5. “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг электр энергияси экспорти ва импорти шартномалари, хусусий электр станциялари билан имзоланган электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги шартномалари бўйича мажбуриятларни “Ўзэнергосотиш” АЖга тўлиқ ўтказиш.</p>	<p>2024 йил май</p> <p>2024 йил июль</p> <p>2024 йил декабрь</p>	

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
17.	Қайта тикланувчи энергия манбаларининг ишлаб чиқариш қувватларини ошириш.	<p>1. Шамол электр станцияларининг ишлаб чиқариш қувватларини 200 МВтга етказиш етказиш.</p> <p>2. Қуёш фотоэлектр станцияларининг ишлаб чиқариш қувватларини 3 347 МВтга етказиш.</p> <p>3. Қайта тикланувчи энергия манбалари ишлаб чиқариш қувватларини электр тармоққа интеграция қилиш доирасида батарея энергия сақлаш тизимлари қувватини 500 МВтга етказиш.</p> <p>4. Энергия тизимининг шарқий томонида ишлаб чиқарилган қайта тикланувчи энергия манбалари қувватларини ғарбий қисмга узатиш мақсадида юқори кучланишли ўзгармас ток ҳаво линиясини (HVDC) лойиҳалаш ишларини якунлаш.</p>	<p>2024 йил декабрь</p> <p>2024 йил декабрь</p> <p>2024 йил декабрь</p> <p>2024 йил ноябрь</p>	<p>Энергетика вазирлиги (Мирзамаҳмудов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ходжаев), Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (Кудратов), Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлиги</p>
18.	Қайта тикланувчи энергия манбалари асосида қуриладиган қуёш ва шамол электр станцияларини ягона электр тармоғига интеграция қилиш.	<p>1. Қуёш ва шамол электр станциялари томонидан ишлаб чиқариладиган электр энергиясининг ягона электр тармоғига уланишини симуляция қилувчи дастурлардан фойдаланган ҳолда, келгусида қурилиши режалаштирилган қуёш ва шамол электр станцияларини ягона электр тармоғига таъсирини ўрганиш.</p>	<p>2023 йил ноябрь</p>	<p>Энергетика вазирлиги (Мирзамаҳмудов), “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ (Исақулов), “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ (Мустафоев),</p>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
		<p>2. Қуёш ва шамол электр станцияларининг ягона электр тармоғига таъсирини ўрганиш натижаларига кўра республикани электр энергияси билан таъминлаш концепциясини қайта кўриб чиқиш.</p> <p>3. Ишга тушириладиган қуёш ва шамол электр станцияларини ягона электр тармоғига интеграция қилиш учун мунтазам равишда қайта тикланувчи энергия манбалари потенциалини ўрганиб бориш.</p>	<p>2023 йил декабрь</p> <p>Доимий асосида</p>	<p>“Иссиқлик электр станциялари” АЖ (Жураев), “Ўзбекгидроэнерго” АЖ (Сангинов)</p>
<b>IV. Республика электр энергетикаси соҳаси учун кадрлар тайёрлаш</b>				
19.	<p>Республика электр энергетикаси соҳаси учун етук мутахассисларни, шу жумладан диспетчерларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ҳозирги замон талабларига тўлиқ мослаштириш.</p>	<p>1. Кадрларга бўлган талаб ва кадрларни тайёрлаш йўналишларини аниқлаш.</p> <p>2. Электр энергетикаси соҳасини замон талабларига тўлиқ мослаштириш мақсадида ушбу йўналишдаги мутахассислар, шу жумладан диспетчерларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича ягона марказни ташкил этиш.</p>	<p>2023 йил декабрь</p> <p>2024 йил январь</p>	<p>Энергетика вазирлиги (Мирзамаҳмудов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ходжаев), “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ (Исақулов), “Худудий электр тармоқлари” АЖ (Мустафоев),</p>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
		3. Марказда хорижий давлатларнинг етакчи таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказлари, бизнес-ҳамжамиятлари ва халқаро жамиятлар билан узоқ муддатли ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш.	2024 йил июнь	“Иссиқлик электр станциялари” АЖ (Жураев), “Ўзбекгидроэнерго” АЖ (Сангинов)
20.	Электр энергетикаси соҳасидаги кадрларнинг билимларини мунтазам равишда ошириб бориш.	1. Ходимларни уларнинг соҳавий хизматда ишлаш лаёқатини аниқлаш мақсадида ҳар уч йилда бир маротаба алоҳида ўқув дастури асосида ўқитиш. 2. Ўқув курслари якунида умумий ва махсус модуллар бўйича синовлардан муваффақиятли ўтган ходимларга сертификат бериш.	Доимий асосда	Энергетика вазирлиги (Мирзамаҳмудов), “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ (Исақулов), “Худудий электр тармоқлари” АЖ (Мустафоев), “Иссиқлик электр станциялари” АЖ (Жураев), “Ўзбекгидроэнерго” АЖ (Сангинов), “Иссиқлик электр станциялари” АЖ (Жураев)

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
21.	Электр энергетикаси соҳасидаги кадрларни касбга оид сифатларини ривожлантириш ва фаолиятининг самарадорлигини ошириш.	<p>1. Электр энергетикаси соҳасида кадрларнинг ўз касбига оид бўлган қўшимча билимларни ўзлаштириши ва фаолият самарадорлигини ошириш учун ўзаро боғлиқ бўлинмалар рўйхатини шакллантириш.</p> <p>2. Шакллантирилган рўйхат асосида кадрларни ротация қилиш графикларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>3. Электр энергетикаси соҳасида кадрларни мунтазам равишда ротация қилиш.</p>	2023 йил ноябрь  2023 йил декабрь  Доимий асосда	Энергетика вазирлиги (Мирзамаҳмудов), “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ (Исақулов), “Худудий электр тармоқлари” АЖ (Мустафоев), “Иссиқлик электр станциялари” АЖ (Жураев), “Ўзбекгидроэнерго” АЖ (Сангинов)
22.	Малакали халқаро экспертларни Агентлик фаолиятига жалб қилиш.	Халқаро молия институтларининг техник кўмагида халқаро экспертлар учун техник шартларни ишлаб чиқиш ва уларни жалб қилиш.	2024 йил февраль	Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлиги, Энергетика вазирлиги (Мирзамаҳмудов), Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (Кудратов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ходжаев)

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
23.	Илғор хорижий компанияларда электр энергетикаси соҳасидаги диспетчерларнинг малакасини ошириш.	<p>1. Электр энергетикаси соҳасидаги диспетчерларнинг малакасини ошириш мақсадида илғор хорижий компаниялар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш.</p> <p>2. Ҳамкорлик келишувлари асосида ҳар йили камида 10 нафар диспетчерни илғор хорижий компанияларга малака оширишга юбориш.</p>	2024 йил февраль  2024 йил декабрь	Энергетика вазирлиги ( <i>Мирзамаҳмудов</i> ), “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ ( <i>Исақулов</i> ), “Миллий диспетчерлик маркази” ДУК ( <i>Бобоев</i> )
24.	Агентлик ходимларининг малакасини оширишга қаратилган тадбирларни ташкил этиш.	<p>1. Халқаро молия институтларининг техник кўмагида Агентлик ходимларининг малакасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>2. Тасдиқланган дастур асосида илмий-назарий ҳамда илмий-амалий семинарлар, форумлар, кўргазмалар, симпозиум, тренинглари, мастер-класслар ва давра суҳбатлари ташкил қилиш.</p>	2023 йил декабрь	Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлиги, Энергетика вазирлиги ( <i>Мирзамаҳмудов</i> )

Изоҳ: Вазирлар Маҳкамаси томонидан зарур ҳолларда мазкур “йўл харитаси”га ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

